

«ЯШИЛ МАКОН»:

БОБУР ШАҲАРЧАСИДА ЯНГИ БОҒ БАРПО БЎЛМОҚДА

Мамлакат раҳбари бошчилигида ҳудудларда пахта ҳосили йиғими, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари ижроси ҳамда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар таҳлили юзасидан бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда «Яшил макон» дастурининг ижроси муҳокама қилинди. Бу йил баҳорда экилган кўчатларнинг айримлари қуриб қолгани танқид қилинди. Сабаби - баҳор ва ёз ўртасида иссиқ кунлар тез келиб қолиши оқибатида экилган кўчатлар унишга улгурмаяпти. Шу муносабат билан дарахтни кузда экишни кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.



Урбанизация жараёни тезлашиб бораётган бир вақтда аҳоли пунктлари ва унга яқин жойларда яшиллик даражасини ошириш тақозо этилмоқда. Буни адиришлар этагида қад ростлаган биргина Бобур шаҳри мисолида таҳлил қилсак, шаҳарчага ёндош 19 гектарли майдонда «Янги Ўзбекистон» ҳамда «Зиёлилар» боғлари барпо этилган бўлиб, кўчатлар 98 фоиз кўкарди. Қуриб қолган ниҳоллар ўрнига янгилари қадалди.

Жорий куз мавсумида вилоят ҳокими Шўҳратбек Абдурахмонов бошчилигида Бобур шаҳрида 31 гектар майдонда боғ барпо этишга киришилди. Вилоят раҳбари режалаштирилаётган навбатдаги яшил ҳудуд учун ажратилган жойларни кўздан кечириш экан, кузги мавсум доирасида қилиниши ва бажарилиши керак бўлган ишларга бирма-бир тўхталиб, мутасаддиларга кўрсатма ва топшириқлар берди.



Ушбу ҳудудларга шу жойнинг иқлим шароити ва тупроқ тузилишига мос келувчи катальпа, заранг, арча, қайрағоч, шумтол, япон сафораси каби 15 хилдан ортиқ 18 минг тупдан зиёд мева ва манзарали дарахтлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозирда ажратилган ер майдонида махсус техникалар ёрдамида тозалов ва кўчатлар учун уялар қавлаш ишлари олиб борилмоқда. Кўп йиллик илмий тажриба-

га эга мутахассислар дарахтларнинг тури ва табиатига қараб зарур маслаҳатларини бермоқдалар. Ниҳолларни қадаш мутахассислар тавсиясига биноан ноябрь ойида бошланиб, февраль ойларигача давом этади.

Кўчат экилгач, уни парваришlash ва суғориш масаласи кўтарилди. Бу борада ҳам ечим бор. Корхона ва ташкилотлар ўзларига ажратилган ҳудудлардаги ниҳолларни парваришлайдилар. Норин-Қора-

дарё ирригация тизими мутахассислари томчилатиб суғориш механизминини йўлга қўйиш устида бош қотиришяпти.

Мақсад битта - тоза табиат, мусаффо ҳаво, яшилликни асраб-авайлаш.

Элёрбек АҲМЕДОВ,
вилоят экология бошқармаси
«Яшил макон» умуммиллий
лойиҳасини ташкиллаштириш
шўъба мудири.



АСАКА ВА ШАҲРИХОН ТУМАНЛАРИ

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ ТУМАН»
МАҚОМИГА ЭГА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшashi ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (8 октябрь 2025 йил) қарори қабул қилинди.



Мазкур ҳужжатга кўра, 33 та шаҳар ва туманлар қаторида Асака ва Шаҳрихон туманларига ҳам «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман» мақоми берилиши белгиланди.

Бунда ҳудудларда қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, инфратузилмани яхшилаш орқали тадбиркорликни ривожлантиришга катта туртки бериш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва замонавий хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, қишлоқ маҳаллаларига шаҳар муҳити ва яшаш шароитларини олиб кириш мақсад қилинган.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИМИЗ
КЕНГАЙМОҚДА

«Uzbekistan Airways» жорий 27 октябрдан Андижон-Истанбул-Андижон йўналишида мунтазам парвозларни бошлайди. Рейслар душанба ва пайшанба кунлари амалга оширилади.



Хабарингиз борми?

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистонда 2026 йил 15 январдан 28 февралгача аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Бу жараён мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.



Рўйхатга олиш орқали 38 миллион аҳолининг ёши, оилавий ҳолати, таълим даражаси, миграция жараёнлари, иш билан бандлиги ва даромад манбалари ҳақида ягона маълумотлар базаси шаклланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачилик кўрсаткичлари аниқланади.

Тадбир икки босқичда амалга оширилади. Аввалги 17 кун давомида фуқаролар «census.stat.uz» портали орқали OnelD тизими ёки ЖШШИР (жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами) ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтишлари мумкин. Кейинги босқичда эса «маҳалла еттилиги» ва бошқа фаоллар уйма-уй юриб маълумот тўплайдилар.

Ҳозирда жойларда тайёргарлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Маҳаллаларда, мактабларда ва таълим муассасаларида аҳолига рўйхатнинг мазмун-моҳияти ва мақсадлари ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Йиғилган маълумотлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш дастурлари учун асосий манба бўлади.

Бундан ташқари, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари миллий барқарор ривожланиш мақсадларини баҳолаш, халқаро рейтингларда мамлакатимизнинг ўрнини юксалтириш, хорижий инвесторларни жалб қилиш ва туризм салоҳиятини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Нодирбек ТЎХТАБОВЕВ,
вилоят статистика бошқармаси бошлиғи.



З.УМУРЗОҚОВ олган суратлар.

Юртимизда куз-қиш мавсумини талофатсиз ўтказиш, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини мунтазам ҳамда узлуксиз равишда ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда тайёргарлик ишлари якунига етказилиб, айти пайтда назорат ишлари олиб борилмоқда. Бу жараён аҳоли фаровонлиги, соғлом турмуш шароити ва барқарор инфратузилмани таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда «Андижон сув таъминоти» акциядорлик жамияти жорий йилдаги тайёргарликка алоҳида эътибор қаратди. Жамият раҳбарияти томонидан ҳар бир шаҳар ва туман кесимида мавжуд сув иншоотлари ҳолати ўрганилиб, амалий чоралар кўрилди. Барча қудуқлар ва сув сақлаш иншоотларининг техник ҳолати кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар қисқа фурсатда бартараф этилди. Шу билан бирга, қувур тармоқларининг созлиги текширилиб, зарур қисмлар алмаштирилди.

- Бугунги кунда 16,1 километр ичимлик суви тармоғи тубдан янгиланиб, 28,6 километр тармоқ жорий таъмирдан чиқди, - дейди жамият директори Дилшодбек Қўлдашев. - Бу ишлар аҳолига сув етказиб беришдаги ўзлишларни камайтириш, қувурлардаги йўқотишларнинг олдини олиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, 36 та насос мукамал таъмирланди, 74 таси жорий таъмирдан ўтказилди.

Мавсумий оғир шароитларда сув таъминотида барқарорликни таъминлаш мақсадида турли ҳудудлардаги объектларга 40 та энергия тежамкор насослар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, иш самарадорлигини ошириш, электр энергияси сарфини камайтириш ва атроф-муҳитга таъсирни чеклашда муҳим омил бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, фақат таъмирлаш ва янгилаш билан чекланиб қолинмай, тизимдаги ҳар бир босқичда назорат механизми кучайтирилган. Объектларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш, сув босими, насос ишлаш қуввати ва сув сифатини кузатиб бориш учун замонавий ускуналар жорий қилинмоқда. Шунингдек, фавқулодда ҳолатларда тезкор чора кўриш учун махсус техник воситалар, хизмат машиналари ва авария бригадалари тўлиқ шай ҳолатга келтирилди.

«Андижон сув таъминоти» АЖ масъул ходимларининг таъкидлашича, бу йилги тайёргарлик ишлари аввалги йилларга нисбатан кенг қамров-



ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛЯПТИ

ли ва тизимли бўлди. Бунинг сабаби сифатида Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда коммунал инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ва лойиҳаларнинг самарадорлиги кўрсатилди. Айниқса, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражасини ошириш, қишлоқ ҳудудларига янги сув тармоқлари тортилган, насос станцияларининг энергия тежамкор турига алмаштирилаётгани бу соҳадаги барқарор ривожланишни таъминламоқда.

Айни пайтда жамиятда меҳнат интизоми, хизмат маданияти ва масъулиятини оширишга жиддий эътибор берилляпти. Ҳар бир ходим учун техник хавфсизлик қоидалари бўйича ўқув-семинарлар ўтказилмоқда, мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича режалар ишлаб чиқилган. Шу тарзда амалга оширилаётган ишлар нафақат мавсумий синовларга тайёргарлик, балки бутун йил давомида аҳолига барқарор ва сифатли сув етказиб бериш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Андижон сув таъминоти» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудуддаги сув таъминоти тизими янги мавсумни тўлиқ шай ҳолатда қўтиб оляпти. Бу эса аҳоли учун барқарор турмуш, ижтимоий соҳа объектлари учун эса ишончли сув таъминоти кафолатидир.

Саминжон ХУСАНОВ.

ҚИРОВЛИ ВА СИНОВЛИ МАВСУМ ОЛДИДАН

Бугунги кунда вилоятда 2 минг 200 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларнинг 1 минг 512 таси 1991 йилгача, 688 таси 2016-2025 йилларда қурилган. Уларга 26 уй-жой бошқарув-сервис компаниялари томонидан хизмат кўрсатилади. Барча йўналишлардаги объектларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қизғин кетаётган айти паллада кўп қаватли уйларда аҳвол қандай? Шу савол билан вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мутасаддиларига мурожаат этдик.

- Мавсумга тайёргарлик ишлари белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда, - дейди бошқарма бошлиғи Фазлиддин Алижонов. - Биринчи навбатда кўп қаватли уйларда аҳолига қулайликлар яратиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой бошқарув сервис компаниялари билан ҳамкорликда чоралар кўрилиб, зарур ишлар бажарилмоқда.

Бошқармамиз мутасадди ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда вилоятдаги ҳар бир кўп қаватли уйнинг том қисми, кириш йўлаклари, ертўла-лари, йўлакчалари, табиий газ, сув, электр энергияси тармоқлари, канализация тизимлари ҳолатини тўлиқ ўрганиб чиқдилар. Аниқланган муаммо ва камчиликлардан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида вилоятдаги 87 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган.

Натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, белгиланган ишлар 100 фоизга бажарилиб, аниқланган муаммо ва камчиликлар бартараф этилди. Жумладан, 87 та уй, 8 та уйнинг том ва тарнов қисмлари, 70 та уйнинг кириш йўлаклари, 14 та уйнинг ертўла қисмидаги ва 5 та уйнинг хонадон ичидаги муҳандислик тармоқлари, 56 та уйнинг фасад қисми таъмирланиб, 55 та энергия тежамкор сенсор лампалар ўрнатилди.

Бундан ташқари, 124 квадрат метр ҳажмдаги фрамуга ромлари, 500 дан ортқ энергиятежамкор лампалар, 56 та электр энергиясини тақсимловчи шит таъмирланди. Қатор кўп қаватли уйлар олдидаги болалар майдончалари тартибга келтирилди, уйларнинг ташқи ёритиш чироқлари янгиланди.

Табиий газ, ичимлик суви таъминоти, иссиқлик узатиш тармоқларини яхшилаш мақсадида айрим биноларда 2 километр узунликдаги қувурларни мукамал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 0,4 километр иссиқлик тармоғи таъмирланди. Бундан ташқари, жами 44,7 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғи, 110 та насос ускунасини му-

камал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 110 километр тармоқ ҳамда 104 та насос ускунаси таъмирланди.

Бу саъй-ҳаракатларда Андижон шаҳридаги «Биотех сервис», «Шинам маҳалла», «Ёйилма шинам», Хонобод шаҳридаги «Хонобод обод уй», Избоскан туманидаги «Пойтуғ обод уйлари» масъулияти чекланган жамияти сингари бошқарув сервис компаниялари намунали иш олиб бормоқда.

- Компаниямиз Андижон шаҳрининг Ёйилма, Янги Бўстон, Нодирабегим, Соғлом авлод маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 134 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, - дейди «Ёйилма шинам» МЧЖ бошқарув сервис компанияси раҳбари Авазбек Мансурхўжаев. - Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида уйларнинг 32 та кириш йўлагига замонавий темир эшик, 210 тасига фрамуга (акфа) ромлари, 113 та ёритиш чироқлари ўрнатилди, 12 та болалар майдончаси, 3 та уйнинг 210 квадрат метр том қисми ҳамда 4 та уйнинг фасад қисми мукамал таъмирдан чиқарилди. Мақсадимиз, аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қўмаклашишдир.

«Биотехсервис» бошқарув компанияси эса Андижон шаҳрининг Қоратут, Ўрикзор, Иқбол, Шифокор, Истиклол, Қўшарик, Ёрбоши, Бунёдкор МФЙларида жами 241 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Тайёргарлик доирасида компания томонидан 14 та уйнинг фасад қисми мукамал таъмирланди, 4 та уйга темир эшиклар, 221 та энерготежамкор лампалар ҳамда 62 та кириш йўлакларига ўриндиқлар ўрнатилди, 49 та фрамуга ромлари акфа ромларга алмаштирилди. Шунингдек, 14 та уйнинг томи жорий таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг берган кўрсатмасига асосан мавсумни баталофат ўтказиш, аёзли кунларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тезкор бартараф этиш мақсадида туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамкорлигида штаблар фаолият кўрсатиб турибди. Ҳудудлардаги мавжуд кўп қаватли уйлар хатловдан ўтказилди. Натижада 81 та уйни куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёрлаш зарур деб топилди. Аниқ ва манзилли амалий ҳаракатлар натижасида 10 кун муддатда ушбу уйлар мавсумга шай ҳолга келтирилди.

Айни кунда вилоятдаги кўп қаватли уйларда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, синовли мавсумда аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш, қаҳратон ва ёгин-сочили кунларни муаммоларсиз ўтказиш учун зарур барча ишлар амалга оширилмоқда.

Гулжаҳон ЖАБОРОВА.

МИЛЛАТ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАТГАН САНА

Хар қандай миллат ўз тарихини, маънавиятини, дунёқарашини ва келахак авлодга қолдирадиган меросини, авваламбор, она тили орқали ифода этади. Тил - миллатнинг руҳи, халқнинг қалби.

Ўзбек халқи асрлар давомида бой маънавий мерос яратган, буюк адабий мактабга эга ўзбек тилини асраб-авайлаб келган. Лекин тарихий жараёнларда турли тўсиқлар, босимлар ва чекловлар бўлган сир эмас. 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган «Ўзбек тили тўғрисида»ги Қонун - нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки халқнинг миллий ўзига қайтиши, ўзлигини англашининг рамзига айланди. 1980-йилларнинг охирида бошланган «қайта қуриш» сиёсати, фикр эркинлиги ва миллий уйғониш тўлқини остида кўплаб миллатлар ўз тилини ҳимоя қилиш ва расмий мақомга чиқариш ҳаракатига киришдилар. Ўзбекистонда ҳам жамоатчилик, зиёлилар ва тилшунослар томонидан тил масаласи жамоатчилик

муҳокамасига чиқарилди.

Шу тарихий шароитда, 1989 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, ўзбек тилининг барча давлат идораларида, таълим, матбуот, маданият ва жамият ҳаётида расман ва фаол ишлатилиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш керак, 1989 йилда қабул қилинган «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун 1995 йилда янги таҳрирда қабул қилинди. Ҳужжат халқнинг миллий ўзлигини асрашда, маънавий қадриятларни тиклашда ва истиқлол сари дадил қадам ташлашда муҳим аҳамият касб этди.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Атоий, Муҳаммад Ризо Эрастий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби буюк адиблар ўз асарлари

орқали ўзбек тилини нафақат сақлаб қолдилар, балки уни дунё миқёсида танитдилар. Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг мақоми янада мустаҳкамлаш, унинг давлат идоралари ва жамиятдаги ўрнини кучайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, тилни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди, мактаб ва олий ўқув юртларида таълим тўлиқ ўзбек тилида йўлга қўйилди, журналистика, интернет ва адабиётда ўзбек тилидаги материаллар сони кескин ортди. Бундан ташқари, лотин ёзувида босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмокда, ҳар йили 21 октябрь - Ўзбек тили байрами куни сифатида бутун мамлакат бўйлаб кенг нишонланади.

Шу билан бирга, тил маданиятини ошириш, луғавий бойликни



сақлаш, ёш авлодни соф, адабий тилда гапиришга ўргатиш ҳам даврнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмокда. 21 октябрь - бу сана нафақат бир қонун қабул қилинган кун, балки миллатнинг ўзлигини англаган, тилини муҳофаза қилган, маънавий қудратини тиклаган кун сифатида аҳамият касб этади. Тилини йўқотган миллат - ўзлигини йўқотади. Бурчимиз - ўзбек тилини чинакам давлат тили сифатида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш ва унинг нуфузини мунтазам ошириб боришдир.

Камола СИРОЖИДДИНОВА,
Муҳаммад Юсуф номидаги
ижод мактаби
директори ўринбосари.

21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун



Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунида «Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир» дейилади. Тилда бутун халқ, унинг Ватани намоён бўлади. Тил - халқнинг руҳи, мусаффо қалби, уриб турган юраги, муҳим зийнатларидандир.

ТИЛ КИШИНING ЗИЙНАТИ

1989 йилнинг 21 октябри биз учун муқаддас кунга айланди, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу эса тилимиз мавқеини кўтаришга, унинг барча соҳаларда тўла амал қилишига катта имконият яратди.

Дунёда тиллар кўп, аммо ҳар бир халқнинг, ҳар бир жамиятнинг ўзи учун қадрли бўлган қадим-қадимдан шаклланиб, сайқалланиб келаётган тили мавжуд. Она тилига муҳаббат-юксак маънавият белгисидир. Биз ота-боболаримиздан қолган ушбу муқаддас меросни асраб-авайламоғимиз лозим. Зеро, тил жамиятнинг маънавияти ва маданияти кўзгусидир.

Миллий тафаккур ривожининг тамал тоши она тилидир. Унга муҳаббат, унда собитлик миллий тафаккур парвозини мунтазам таъмин этадиган муқаддас туйғудир.

Тил халқ руҳий оламининг ўзига хос хира тортмас кўзгусидир. У халқнинг ички дунёсини, тафаккур тарозисию миллий табиатини, яшаш тарзю минг йиллик анъаналарини, халқнинг ботиний ва зоҳирий борлигини акс эттиради.

Халқ таълими тизимида Давлат тилининг, яъни ўзбек тилининг алоҳида ўрни бор. У ҳаётни билиш, ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларни шакллантириш, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлоднинг шахсий сифатларини тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тилнинг жозибасини кўрсатиш учун ўқитувчининг ўзи ифодали ўқиш услубини ва малакасини яхши билимоғи керак. Ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда озғак нутқ ифодали ўқиш билан чамбарчас олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга ибрат-намуна бўлмоғи лозим. Шунда ўқувчилар ифодали ўқиш санъатини эгаллаб олишга, бадий асар ҳақида мустақил фикр юритишга, унга баҳо беришга интиладилар.

Она тили ўқитишнинг асосий мақсади тил имкониятларидан тўғри, аниқ, фойдаланишга ўргатиш, тафаккурни ривожлантириш, саводхонликни ошириш, шарқона тарбияни шакллантиришдир. Тарбиявий аҳамияти эса юқори маданиятли инсонни камолга етказиш, унда ватанпарварлик, миллий қадриятлар туйғуси, ҳамда амалий кўникмаларни камол топтиришдир. Юксак маданиятли киши бошқалардан, аввало, ўзининг ёзма ва озғак нутқ бойлиги билан ажралади туради. Тилни билиш бу, аввало, жамият аъзоси бўлишга гувоҳномадир, десак муболага эмас.

Сурмаҳон ИСМОИЛОВА,
«UNIVERSITY OF ECONOMICS AND
PEDAGOGY» NOTM
Мактабгача ва бошланғич таълим
кафедраси доценти.

Мактаб таълими

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАР БИЛИМ ВА ТАФАККУР УЙЎНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бугунги кунда ҳар бир бола олдида улкан имкониятлар эшиги очилмокда. Бунинг бошланғич синф ўқитувчиси сифатида чуқур англайман. Ўқувчиларни тўғри йўналтириш, замон талабига мос билим бериш кун ўқитувчиларидан катта масъулият ва тинимсиз изланишларни талаб этади. Улар нафақат дарсликни ўргатиш, балки ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз гоёларини эркин ифода қилиш, атрофдагиларнинг фикрига ҳурмат билан қарашни ҳам шакллантириши зарур.

Мен раҳбарлик қилаётган 3-«д» синфида жами 30 нафар ўқувчи бор. Улардан 15 нафари аъло баҳоларга ўқийди, қолганлари ҳам яхши ўқишга астойдил киришган. Бундай натижаларга эришишимда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни муҳим. Дарсларда «Тармоклар» ёки «Кластер» усулидан фойдаланамиз: ўқувчилар аввал билимини саралайди, кейин янги нарсаларни кашф этади ва охирида ўз хулосасини чиқаради. «Чархпалак», «Ақл чархи» каби машғулотлар эса диққатни жамлаш, тезкор фикр билдириш қобилиятини оширади.

Албатта, билим олиш жараёни фақат машқ ёки мисол ечиш билан чекланмайди. Шу боис, «Мулоқот» тренингларини йўлга қўйганман. Бу машғулотлар ўқувчиларимни мустақил фикрлайдиган, ўз гоёсини эркин айта оладиган, баҳс жараёнида маданий муносабатга кириша оладиган қилиб тарбиялайди. «Ақлий

ҳужум» усули эса муаммони мустақил ҳал қилиш, гуруҳ билан маслаҳатлашиб тўғри йўлни топиш имконини беради.

Шунингдек, «Ручка стол ўртасида» методини қўллаб, ҳар бир топшириқни ҳаётий мисоллар билан бойитиб бораман. Бу усул ўқувчиларимнинг назарияни ҳаёт билан боғлай олиш, билимни кундалик турмушда қўллай билиш кўникмасини мустаҳкамлайди. Натижада, улар фақат китоб ёки дарслик билан чегараланиб қолмай, кенг дунёқарашга эга бўладилар.

Замонавий методлар фақат дарс жараёнини қизиқарли қилиш учун эмас, балки бола шахсиятини тўлиқ тарбиялаш учун ҳам хизмат қилади, деб айта оламан. Ўқувчилар юртимизнинг эртасидир. Агар биз уларни замон талабига мос билим ва кўникмалар билан қуроллантирсак, келажақда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инновация,



фан ва техника тараққиёти янада юксалади. Ҳар бир бола қалбида Ватанга садоқат, маънавий етуқлик ва илму маърифатга чанқоқлик шаклланса, юртимиз равнақи таъминланади.

Ҳар куни синфга кириб, самимий нигоҳларга боққанымда, ўз меҳнатимнинг нақадар масъулиятли эканини яна бир бор ҳис қиламан. Чунки бу кичкинтойларнинг тақдири менинг қўлимда, келажагимиз эса уларнинг бугунги кунидан, мактаб оstonасидан бошланади.

Орзуим ҳар бир ўқувчи фақат аъло баҳолар билан чекланиб қолмасин, балки мустақил фикрлай оладиган, замонавий билимга эга, юртга садоқатли инсон бўлиб камол топсин. Шу мақсадда изланишдан, янги методларни ўрганишдан ва уларни амалиётга жорий қилишдан чарчамайман.

Гулмираҳон АҲМАДҚУЛОВА,
Андижон туманидаги
17-умумий ўрта таълим
мактаби ўқитувчиси.

Хушхабар

ЕНГИЛ САНОАТ:

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ ЎРИНДА

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистонда йирик корхоналар томонидан 24,4 триллион сўмлик кийим маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 16,9 фоиз ўсишни қайд этган.

Қувонарлиси, 14 та ҳудудий бирлик орасида вилоятимиз етакчи ўринда турибди. Шу давр давомида енгил саноатда тадбиркорларимиз томонидан 9,6 триллион сўмлик ҳажмда кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланган.



Хайрли ташаббус

СИНФ САРДОРЛАРИГА СТИПЕНДИЯЛАР



Андижон кўплаб хайрли ташаббуслари билан бошқа ҳудудларга ўрнак бўлаётганидан доим фахрланамиз. Бунда, албатта, вилоят раҳбарининг тинимсиз изланишлари, ёшларни ҳар соҳада қўллаб-қувватлашга доим тайёригини эътироф этиш жоиз.

Биргина мисол, вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдурахмонов умумтаълим мактаблари сардорлари вакиллари билан ўтказган учрашувида фаол сардорларни рағбатлантириб бориш тақлифи илгари сурилди ва бу борада зарур чора-тадбирлар кўрилиши таъкидланди.

Хайрли ташаббус Андижон шаҳридаги 31-умумтаълим мактабида илк бор амалга оширилди. Ўзбекистон Болалар ташкилоти «Болалар ҳаракати» ҳамда мактаб маъмурияти ҳамкорлигида тадбиркорларнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан мактабнинг 5-11-синфларидаги 71 нафар синф сардорларига 200 минг сўмдан стипендия берилди.

Илғорлиги, ўқув ва жамоат ишларидаги намунаси учун кўрсатилаётган молиявий рағбат ўқувчиларнинг ўзига, билкимига, етакчилигига бўлган ишонччи янада оширмокда. Устозларнинг йўлбошчилиги билан бирга «Тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида йўлга қўйилган синф сардорлари фаолияти қутилган натижаларни кўрсатяпти.

Эндликда таълим масканида ҳар ойда синф сардорларига стипендия бериб борилади.

Авазбек ИСМАНОВ.

Фаровон манзиллар



ОБОДЛИКНИНГ АНДОЗАСИ НАМОЁН...

ҲАР БИР ТАДБИР МАҲАЛЛАЛАР ФАЙЗИ УЧУН

2 минг 465 нафар аҳолини ўзида жамлаган **Қорашоҳ** маҳалласида 502 та хонадон мавжуд. Оилаларда хунармандчилик ва иссиқхона фаолияти йўлга қўйилган. Ҳоким ёрдамчиси Махлиё Абдурахимованинг таъкидлашича, хунармандчиликнинг дўппидўзлик йўналишида яхшигина маҳорат мактаби яратилган. Жумладан, Мухаррамхон Аҳмадалиеванинг айни йўналишда 50 нафар шогирди ёнига кирган. Улар томонидан тайёрланаётган миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган бош кийимлар ички бозорда харидоргир.

Сирожиiddин Абдазов хонадонидagi 6 сотихни эгаллаган иссиқхонага ҳавасингиз келади. Бу борада тўрт йиллик тажрибага эга оиланинг бир мавсумдаги даромади 20 миллион сўмдан ортапти. Бодринг етиштиришда миришкорга айланишган.



Пахтаобод тумани ҳудудидаги 62 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сектор раҳбарлари ва масъулларининг назорати билан мавжуд муаммоларга ечим топиб келин-япти. Маҳаллабай ишлаш тизимли дастури доирасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича маҳалланинг ўсиш нуқтасини аниқлаш, ҳамда инфратузилмасини яхшилашда ижобий натижалар бўй кўрсатаётир. Туманга Давронбек Сатторов раҳбар этиб тайинлангач, бу амалий ҳаракатлар янада шиддатли тус олди.

Тадбиркорликка хоҳиш-истаги борларга феолиятини бошлаши, кредит олишида кўмаклашилмоқда. «Ўсиш нуқтаси»дан келиб чиқиб, «Ҳар бир оила - тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиб келинмоқда.

Ҳаётбахш маҳалласида ҳам ишлар қизгин. Ҳудуддан оқиб ўтувчи ички ариқлардаги сувлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, шу билан бирга, санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида атрофлари босқичма-босқич бетонланмоқда. Кўчалардаги сим тармоқлари янгиланмоқда. Янги бетон устунлар ўрнатилмоқда.



Бўстонобод маҳалласидаги 509 та хонадонда 2 минг 721 нафар аҳоли истиқомат қилади. Оилалар узумчилик, иссиқхона ва чорвачиликнинг ҳадисини олган. Ҳудудда бошланган тадбирлар аҳоли учун замонавий шароитлар яратишга йўналтирилган.

- Айни кунда фуқаролар учун маданий-маърифий маскан вазифасини бажарадиган маҳалла гузари қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда, - дейди раис Қудрат Расулов. - Жами 30 сотих ер майдонида бунёд этилаётган мазкур гузарда маҳалла фуқаролар йиғини биноси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, ошхона фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган. Ушбу маскан ишга тушгач, 30 нафардан зиёд фуқаро бандлиги таъминланади.

Йўл четларига бордюрлар ўрнатилиб, аҳоли уйларига табиий газ етказиб беришни яхшилаш мақсадида газ тармоқлари таъмирланмоқда. Шу билан бирга, ҳудуднинг кечки қиёфасини равшан ва замонавий кўринишга эга қилиш учун кўчаларда ёритиш чироқлари янгиланмоқда. Қишлоқда 100 ўринли трикотаж цехи ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бандлик масаласини бартараф этишда ижобий натижалар етарли. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида субсидия асосида 28 нафар фуқарога чорвачиликни ривожлантириш, 14 нафарига чеварчиликни йўлга қўйиш, 58 та хонадонга иссиқхона фаолияти учун маблағлар ажратилишига эришилди.

Маҳалладаги «Абдумўмин ота» қабристони бир неча йиллардан буён қаровсиз ҳолга келиб қолганди. Бугун масканининг қиёфаси тубдан янгиланди, замонавий таъмирдан чиқарилди, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди, йўлакларига замонавий тус олди.



СОҲИЛЛИК ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

Юртимизда умумтаълим мактаблари учун мослаштирилган бинолар қуриш, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларга зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим сифати ва самарадорлиги ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув йили аввалида **Соҳил** маҳалласида фойдаланишга топширилган янги мактаб айни мақсадларга хизмат қиляпти.

Маҳалладаги ўқувчилар шу вақтга қадар ён-атрофдаги мактабларда таълим олиш-аётган эди. Масофанинг олислиги, фар-

зандларининг баъзида кеч қолиб кетиши кўплаб эътирозларни юзага келтиргани рост. Кўркем кўринишдаги таълим масканининг барпо этилиши бу таъшишларга барҳам берди.

264 ўринга мўлжалланган, замонавий талабларга жавоб берадиган, барча шарт-шароитларга эга янги мактаб биноси фаолиятидан мактаб жамоаси, маҳалла аҳли мамнун. Шинам ва ёруғ синфхоналар, компьютер синфлари, кутубхона ва спорт залида кучли билим олиш учун барча имкониятлар яратилган.



ҚИШЛОҚДА ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Глобал экологик муаммолар авж олаётган бир паллада табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш, яшил иқтисодиёт имконларини ишга солиш энг тўғри ечим ҳисобланади. Туманининг **Нодирабегим** маҳалласи ҳудудида қуриб ишга туширилган янги қуёш фотоэлектр станцияси ана шу ислохотларнинг натижасидир.

Ушбу лойиҳа замонавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, экологик тоза энергия ишлаб чиқариш ва маҳаллий аҳоли учун иш ўринлари яратиш мақсадида амалга оширилди.

Станция 40 сотих ер майдонида жойлашган бўлиб, умумий қуввати 220 киловатт ташкил этади. Ундан йилга 330 000 киловатт соат

электр энергияси ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Бу нафақат энергетик самарадорликни оширишга, балки экологик барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида маҳаллий аҳоли учун 3 та доимий иш ўрни яратилди. Бу эса маҳаллада ижтимоий-иқтисодий фаолликни кучайтириш, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Чекка бир туманининг оддий қишлоғида амалга оширилаётган бу хайрли ҳаракатлар олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, жумладан, «Яшил энергия» концепцияси ва барқарор иқтисодий ривожланишга қаратилган сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Саҳифа материаллари Пахтаобод тумани ҳокимлиги матбуот котиби Жасурбек САРИМСОҚОВ билан ҳамкорликда тайёрланди. Гулжаҳон ЖАББОРОВА, Зилола РАҲМОНОВА.



Андижонлик параспортчи Тему́рбек Гиёсов - жаҳон чемпиони

Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида пара-енгил атлетика бўйича ўтаётган Жаҳон чемпионатида юртдошимиз Тему́рбек Гиёсов баландликка сақраш (Т64) йўналишида 2.03 метр натижа билан олтин медаль соҳиби бўлди.

Ушбу натижа орқали 29 ёшли спортчимиз нафақат ўзининг шахсий рекордини янгилади, балки Ўзбекистон ҳисобига бешинчи олтин медални ҳам қўшди.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Сўнгги йилларда юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ тизим яратилди. Шунингдек, бу юзасидан давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб олинган.

Олий Мажлисининг ҳар иккала палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ташкил қилинган. Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги Фармонида мувофиқ, қонунийлик, мустақиллик ва ҳолислик тамойиллари асосида фаолият юритувчи Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган. Унинг вазифалари қаторига фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик ва шаффофликни ошириш масалалари ҳам киритилган.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим превентив механизмлар яратилгани, давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, очикликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар аини мақсадлар йўлида давлат сиёсатининг муҳим элементлари бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатда бу иллатга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга эришилди. Хусусан, 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, 2019 йил 27 майда «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги конституциянинг 93, 95, 109 ва 115-моддаларида таадлуқли нормалар ҳам акс эттирилган.

«Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармонида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда бу борада муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Жорий йил 19 сентябрда давлат раҳбари томонидан имзоланган 288-сонли Қарор фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги иштирокини янада кенгайтириш ва бу борадаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашда янги даврни бошлаб берди.

Қарорда илмий ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини ҳар бир соҳа ва ҳудуд кесимида таҳлил қилиш тизимини жорий этиш,

қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илғор тажриба алмашиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, социологик, илмий ва амалий тадқиқотларни тизимли асосда, миллий ва халқаро грантларни жалб этган ҳолда амалга ошириш, йўналишда фаолият юритувчи олимлар, экспертлар ҳамда тадқиқотчилар фаолиятини илмий-услубий таъминлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилишини мониторинг қилишга ННТлар жалб этилиб, улар томонидан муқобил баҳолаш тизими йўлга қўйиш белгиланган. Жамоат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳаларига ҳар йили 10 млрд. сўм миқдорида грантлар ажратиш ва ижтимоий буюртмалар бериб бориш режалаштирилган.

Бунда ушбу мақсадларни молиялашти-



риш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондида ажратилган маблағларнинг йил давомида иқтисод қилинган қисми ҳамда Агентлик томонидан ташкил этиладиган рейтинг баҳолаш натижаларига кўра «қоникарсиз» деб топилган давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратиб борилиши назарда тутилган.

Қайд этиш керакки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш, унга қарши курашиш муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот маркази фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан 13 та банддан иборат «Йўл харитаси» тасдиқланган бўлиб, асосий эътибор бу борада доавлат ташкилотлар иштирокини янада кучайтириш, соҳага йўналтирилган минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш, марказ фаолиятини услубий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган.

Фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари ва кенг жамоатчиликни ушбу иллатга қарши курашишга самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жалб этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Адҳамжон УЗОҚЖОНОВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлини маси бош мутахассиси.

Фармон ва ижро

Демократик жамиятда суд ҳокимиятининг ўрни беқиёс. Суд тизими қонун устуворлигини таъминловчи устунлардан бири. Сўнгги йилларда соҳада қатор ислохотлар амалга оширилди: судьялар мустақиллигини кучайтириш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш ва замонавий технологияларни суд ишларига татбиқ этиш бўйича тизимли чоралар кўрилди.

Жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида 2025 йил 21 август кuni қабул қилинган «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони судларни рақамлаштириш орқали одил судлов самарадорлигини янада ошириш ва фуқароларга қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилмоқда.

Ҳужжатга кўра, сунъий интеллект ёрдами билан ишларни тақсимлашда автоматлаштириш амалга оширилади, қонунлар ва суд амалиётини таҳлил қилиш имкониятлари кенгайтирилади, судьяларга қарор қабул қилишда ҳуқуқий ёрдамчи тизим сифатида хизмат қилади. Бу эса инсон омилини камайтиради ва қарорлар адолатлироқ ҳамда асослироқ бўлишига замин яратади.

Фармонда белгилаб қўйилган яна бир муҳим йўналиш - электрон архив модулини яратишдир. Бу орқали барча суд қарорлари ва ҳужжатлари ягона электрон базада тўпланади, суд амалиётини



СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ ПОҒОНА

таҳлил қилишда катта маълумотлар (BIG DATA)дан фойдаланиш имкони пайдо бўлади ҳамда фуқаролар суд қарорларига осонликча кириш имконига эга бўлади.

Мазкур меъёрий ҳужжатда белгиланган бандлар ижроси билан жараёнлар очик ва адолатли бўлади, коррупция хавфлари камаюди - иш тақсимоотида инсон омили минималлашади. Шунингдек, суд ишларини кўриб чиқиш муддати қисқаради - электрон тизим орқали барча жараёнлар тезлашади. Бундан ташқари, халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеи ошади - суд мустақиллиги ва рақамлаштириш кўрсаткичлари юксалади.

Мухтасар айтганда, Фармон Ўзбекистон суд тизимида янги босқични бошлаб берди. Эндиликда суд тизими нафақат рақамлаштирилади, балки сунъий интеллект каби илғор технологиялар ёрдамида сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилади.

Ижроси туфайли яқин йилларда ҳар бир фуқаро судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида тезкорлик, шаффофлик ва адолатни янада кучлироқ ҳис этади.

Тўлқин ТўРАҚУЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди тергов судьяси.

МЕРОС ТЎҒРИСИДА БИЛДИРУВ

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 49-ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1116-моддаларига асосан қуйидагиларнинг мулкларига нисбатан мерос очилиши муносабати билан мерос тариқасида ўзларига ўтиши мумкин бўлган ҳиссаларини расмийлаштириш ёки ўз хоҳишларига мувофиқ воз кечишлари ҳақида ариза бериш учун:

Андижон шаҳри, Янги байнал Минал кўчаси, 1а-уйда яшаб, 2024 йил 19 ноябрь кuni вафот этган ABDULLAYEV BAXODIRBEK XALIDBEKOVICHнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Б. Сабинова нотариал идораси (Андижон шаҳри, А. Мусаев кўчаси, 1а-уй, 75-хона)га;

Андижон шаҳри, Ишчилар МФЙ, Храбек кўчаси, 96А-уйининг 14-хонадонида яшаб, 2025 йил 17 июль кuni вафот этган ЮСУПОВ ОДИЛЖОН АБДУЛЛАЕВИЧнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ф. Джалолов нотариал идораси (Андижон шаҳри, Тошкент кўчаси)га;

Андижон шаҳрида яшаб, 2022 йил 19 июнь кuni вафот этган XURBOYEV LATIF IBRAGIMOVICHнинг, Андижон шаҳрида яшаб, 2004 йил 3 сентябрь кuni вафот этган СУЛАЙМОНОВ РИСЛИКБОЙнинг, Андижон шаҳрида яшаб, 2024 йил 28 август кuni вафот этган САЛИЕВ БАХОДИР ТАХИРОВИЧнинг, Андижон шаҳрида яшаб, 2006 йил 1 ноябрь кuni вафот этган ИСОМИДИНОВ РАХИМЖОН САДИКЖАНОВИЧнинг, Андижон шаҳрида яшаб, 2023 йил 2 март кuni вафот этган TURGUNOV ADXAMJON BOLTASHOVICHнинг, Андижон шаҳрида яшаб, 2025 йил 26 сентябрь кuni вафот этган МИХАЙЛЕВИЧ ИТА ЕЙНИХОВНАнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Т. Арзikuлов нотариал идораси (Андижон шаҳри, Миллий Тикланиш кўчаси, 27-уй)га;

Андижон шаҳрида яшаб, 2020 йил 31 август кuni вафот этган КАСИМОВА ШАРИПАХОН АДАШБАЕВНАнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус О. Гафуров нотариал идораси (Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 6-уй)га;

Андижон шаҳри, Ғайрат МФЙ, Т. Келдиев кўчаси, 45-уйда яшаб, 2025 йил 5 март кuni вафот этган ИСМАЙЛОВ САЙИБнинг, Андижон шаҳри, Қаландархона МФЙ, Бухоро кўчаси, 37-уйда яшаб, 2025 йил 7 май кuni вафот этган СУЛТАНОВ СОТВОЛДИНнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ж. Мамаюнов нотариал идораси (Андижон шаҳри, Қаландархона МФЙ, Чўлпон шохкўчаси)га;

Андижон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 10-уйининг 19-хонадонида яшаб, 2025 йил 31 март кuni вафот этган КОСИМОВА РАХИМА АХМЕДОВНАнинг, Андижон шаҳри, Колхозчи кўчаси, 28-уйда яшаб, 2018 йил 17 июль кuni вафот этган ТУХТАСИНОВ БАХОДИР НЕМАТЖАНОВИЧнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш. Қосимов нотариал идораси (Андижон шаҳри, Машраб кўчаси, 26/24)га;

Андижон шаҳри, 3-кичик даҳадаги 40-уйининг 1-хонадонида яшаб, 2024 йил 18 сентябрь кuni вафот этган ТИНЧАРОВ ШАВКАТнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Л. Турдикулов нотариал идораси (Андижон шаҳри, Тошкент кўчаси)га;

Андижон шаҳрида яшаб, 2023 йил 4 ян-

варь кuni вафот этган КИЛИЧЕВА МАЙРАМХОН САЛОХИДИНОВНАнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Д. Кадинова нотариал идораси (Андижон шаҳри, Бобур шохкўчаси, 30а-уй)га;

Андижон шаҳри, Фаробий МФЙ, Лолзор кўчаси, 7-уйда яшаб, 2024 йил 18 май кuni вафот этган NAZIROV BAZARBAY DALIMOVICHнинг, Андижон шаҳрида яшаб, 2022 йил 27 август кuni вафот этган ABDURAXMANOV ZAKIR PARPIYEVICHнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Г. Рахимова нотариал идораси (Андижон шаҳри, Тошкент кўчаси)га;

Андижон шаҳри, Деҳқонobod МФЙ, Огохий кўчаси, 5-уйда яшаб, 2024 йил 26 декабрь кuni вафот этган GAFOROV ABIDJON AZIZOVICHнинг меросхўрларини Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус О. Мамаинов нотариал идораси (Андижон шаҳри, Амир Тему́р шохкўчаси, 38б-уй)га;

Андижон туманида яшаб, 2007 йил 24 апрель кuni вафот этган КАРИМОВ МАМАЖОНнинг, Андижон туманида яшаб, 2024 йил 14 декабрь кuni вафот этган ЮЛДАШЕВ ЭРҒАШБОЙнинг, Андижон туманида яшаб, 2021 йил 7 июнь кuni вафот этган НИШОНОВ АБДУМАННОБнинг, Андижон туманида яшаб, 2025 йил 8 апрель кuni вафот этган МАМАДАЛИЕВА ДИЛОРОМХОН АБДУХАБИБОВНАнинг, Андижон туманида яшаб, 2022 йил 9 сентябрь кuni вафот этган ХАМРАКУЛОВ АБДУЛҲАМИДнинг меросхўрларини Андижон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н. Расулов нотариал идораси (Андижон тумани, Дархон МФЙ, Истеъдод кўчаси)га;

Қўрғонтепа тумани, Зарбулоқ МФЙ, Хотира кўчаси, 63-уйда яшаб, 2023 йил 10 ноябрь кuni вафот этган UMAROVA RAXIMANING меросхўрларини Қўрғонтепа тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Б. Мамадалиев нотариал идораси (Қўрғонтепа тумани, Мустақиллик кўчаси)га;

Олтинкўл тумани, Катта оқтепа маҳалласида яшаб, 2019 йил 27 январь кuni вафот этган ORTIQOV SOBIRJONнинг, Олтинкўл тумани, Офтобачек маҳалласида яшаб, 2023 йил 19 октябрь кuni вафот этган MIRZAYEV ILXAM RAFIKOVICHнинг, Олтинкўл тумани, Иттифоқ маҳалласида яшаб, 2023 йил 10 апрель кuni вафот этган QODIROV TOSHTEMIРнинг, Олтинкўл тумани, Меҳнат маҳалласида яшаб, 2025 йил 4 март кuni вафот этган СУЛАЙМАНОВ МУҚИМ ТУРСУНОВИЧнинг меросхўрларини Олтинкўл туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Б. Бердибеков нотариал идораси (Олтинкўл тумани, Марказ МФЙ, Олтин соҳил кўчаси)га;

Олтинкўл тумани, Хўжа маҳалласида яшаб, 2018 йил 1 август кuni вафот этган RAZZAKOV JAMOLDIN ABDULAZIZOVICHнинг, Олтинкўл тумани, Хўжа маҳалласида яшаб, 2022 йил 1 ноябрь кuni вафот этган МАРИПОВ ХУСАНБОЙнинг, Олтинкўл тумани, Янгичек маҳалласида яшаб, 2021 йил 15 октябрь кuni вафот этган АСТАНОВ ХАМИДнинг меросхўрларини Олтинкўл туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ж. Қўйлиев нотариал идораси (Олтинкўл тумани, Марказ МФЙ, Олтин соҳил кўчаси)га;

Избоскан тумани, Ойбек МФЙ, Янги аср кўчаси, 16-уйда яшаб, 2024 йил 9 апрель кuni вафот этган РАСУЛОВА ТУРГУНОЙ ХАЛИМОВНАнинг меросхўрларини Избоскан туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Д. Хатамова нотариал идораси (Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри, Б. Нақшбанд кўчаси, 103-уй)га 1 (бир) ой муддат ичида тегишли ҳужжатларини олиб келишлари сўралади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Андижон туманида давлат хизматлари маркази томонидан 2023 йил 8 февраль кuni 534340 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «**DAFNA AND» МЧЖ** таъсисчилари сафига ўзгатириш киритиш тўғрисидаги навбатдан ташқари йиғилиш 2025 йил 11 октябрь кuni соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Жамиятнинг барча иштирокчиларини йиғилишда қатнашишлари сўралади.

Манзил: Андижон шаҳри, Сой кўчаси, 5-уй. Тел.: 94-562-88-11

Ўзбекистон Респуликаси қўриқлаш бош бошқармаси

Андижон шаҳри қўриқлаш бўлими томонидан
МАВЛОНОВ ШУКУРУЛЛО САТКИНБАЕВИЧ номига 2024 йил 28 март кuni берилган 00139 рақамли йўқолган гувоҳнома
БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

Кун мавзуси

АХБОРОТ ХУЖУМИДАН ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Инсон ҳар қандай ахборотни онг остида сақлайди. Яхшими ёки ёмон хабар бўлсин маълум бир муддат эсдан чиқиб кетиши мумкин, лекин онг остида ана ўша маълумот бир умрга қолиб кетади.

Биз ахборот асрида яшаямиз. Шундан экан қабул қилаётган ҳар қандай янгиликка эътиборлироқ бўлиш, ёмонликка тарғиб қиладиган, кўриб, эшитиб, ҳатто ўқиб бўлмайдиган ахборотлардан узоқроқ туришимиз зарур.

Афсуски, ҳозирги даврда маълумотларни филтрлаш жудаям қийин. Чунки одамлар янгиликларга ўч. Қаерда, нима, ким, қай ҳолатда каби, қизиқиш орттирувчи хабарлар ортидан қувиб юрадилар. Илмий, дунёвий билимларга оид хабарлар ҳар замон эътиборсиз қолиб, инсон шахсиятига, ҳаёт тарзига, маиший майда шов-шувларга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда.

Интернет тармоқларида, телеэкранда, ёки телеграм каналларида ҳавола қилинаётган



илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий хабарлар изланиши ва кўрилиши доим кам сонли аудиторияни жалб қилади. Аммо you tube, қисқа роликлар, #диққат, тезкор, деб бошланувчи ваҳимали хабарлар, тўғри-но-тўғри эканлиги ҳали текширилмаган ахборотлар, таъқиқланган материалларга доимо талаб ҳам, қизиқиш ҳам катта бўлган.

Масалан, авваллари интернет йўқ бўлган ва хабарлар фақатгина газета-журналлар, телевиденияда берилётган янгиликлар орқали узатилаётган пайтларда ҳар бир маълумот мутахассислар томонидан текширилиб, фактларга таяниб, кейин эълон қилинар эди. Ҳозир эса киши оғзидан тахминий бир гап чиқиб кетса ҳам дарров шов-шувга айланиб, бутун оламга тарқалиб, уч-тўрт кун ўтган, ёлгон хабар, фейк хабар деб эълон қилинмоқда. Ва бундай игво хабарларга одамлар кўр-кўрона ишонмоқда, энг ёмони эргашмоқда.

Бундан ташқари қадимдан олиму уламоларимиз ҳам "Ҳамиша фитратингизни тоза сақланг, билиш ножоиз бўлган хабарлар, албатта, онгингизни заҳарлайди" дея бекорга айтишмаган. Демакки, ҳар қандай қабул қилаётган маълумотларга диққат қилишимиз, тафаккуримизни заҳарланмаслиги учун эътиборли бўлишимиз зарур экан.

Шу ўринда ҳақиқий журналистлар томонидан сараланиб, текширилиб, ҳатто ўзлари гувоҳи бўлиб ахборот улашаётган вилоятимизнинг бош нашри - «Андижоннома» газетасига обуналар бошланди.

Сиз ҳам сифатли, аниқ, текширилган, энг муҳими, тасдиқланган сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий воқеликларни таҳлилий етказиб берадиган ишончли ахборот қидираётган бўлсангиз, «Андижоннома»га обуна бўлинг.

andijonnoma.uz расмий сайти ва телеграм канали - @andijonnomapress дан бизларни кузатинг. Ўзингизни ахборот хуружларидан асранг!!!

М.СИДДИҚОВА.

МАНҚУРТЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ

ЁХУД ТАРАҚҚИЁТ МАҲСУЛИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ!



Назорат қилинмаган ва қилинмаётган болалар...

Бугунги ҳаётни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Шубҳасиз, интернет давримизнинг энг буюк ихтироларидан бири. Катта-кичик ҳар ким унинг хизматларидан фойдаланиши мумкин. Бироқ ҳар ким қандай фойдаланишига боғлиқ. Ҳозир тўрт-беш яшар бола ҳам компьютердан бемалол фойдаланиши, эртадан-кечгача «автопойга» ўйнаши ёки «жангари фильм иштирокчисига» айланиши мумкин. Давр шуларники бўлиб қолди...

Тўғри, тараққиёт асрида маиший техника воситалари ривож топди: мобил телефонлар, компьютерлар... улар омманинг фикрига ва фаолиятига муҳим таъсир ўтказувчи омилларга айланиб улгурди.

Инсонлар бу тармоқлардан ўзларига зарур бўлган маълумотларни олиб, улардан унумли фойдаланишаётгани яхши ҳолат. Аммо унда фойдали маълумотлар билан бирга турли хилдаги салбий сайтлар ҳам мавжуд. Демак, бу ҳол биринчи навбатда ота-оналардан ҳушёрликни талаб қилади. Назорат билан эътиёт қилинмаган болалар интернет кафеларда, шахсий компьютерларида, уяли телефонларда турли хилдаги жангари компьютер ўйинлари билан машғул бўладилар. Зарар шундаки, вахшийликларни кўрган боланинг қалби қотиб, бузғунчилик ва вайронагарчилиқни ўзи ҳам қилгиси келиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бу ўйинлар таъсири остида жиноят кўчасига кирса, тамом - қонун барчага баробар - панжага қарши олаверади.

Ҳаёт ўйин эмас - қурбон бўлаётганлар...

Интернет ўйинлари болаларни шу қадар ўзига оҳанрабодек тортиптики, натижада ҳаётни уйиндан фарқлай олмай қолиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу аксарият ота-оналар иш кўпайиб кетганини

Баҳодир яхши зиёли оиланинг фарзанди. Мактабнинг юқори синфида таҳсил олади. Хорижий тилларни, аниқ фанларни аъло ўзлаштирган. Устозларининг баҳоси шунга жуда баланд. Аммо кескин равишда ўқишлари пасайди. Телефон деган тараққиёт маҳсулига қўл бўлди-қолди. Турли интернет ўйинлари уни том маънода манқуртга айлантираёзди. Ҳартугул, қаттиққўл, талабчан отасининг сабъ-ҳаракатлари, телефондан буткул «узоқлаштириш» чоралари билан ўсмир яна ўқиш ва ўрганишга қайтди. Лекин бу узоқ муддат ва машаққат талаб қилгани рост...

рўкач қилиб, фарзанд тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйганлигининг натижасида келиб чиқаётир. Жигарпорасини турли хавф-хатардан асраган ота-она онгу тафаккурга келганда бепарволик қилиб, фарзандининг овуниши, бўш ўтирмаслиги учун компьютер ўйинларига рўбарў қилишга уринади. Натижада бола электрон эрмакларнинг асирига айланмоқда.

Аниқ маълумотларни интернет сайтларидан топдиқ.

Жанубий Кореяда ҳарбий-стратегик ўйинлар қулига айланган 28 ёшли йигит вафот этди. Аниқланишича, у уч кеча-кундуз ўйинхонадан чиқмаган. Фақат ҳожатхонага бориш ва гоҳида озроқ мизғиб олиш баҳонасидагина ўйиндан узоқлашган. Унгача эса шўрлик она бедарак ўғлини излаб фарзандининг собиқ ҳамкасбларига мурожаат қилган. Аммо боласи ўйинларга муккасидан кетиб, бир ой илгари ишдан ҳам ҳайдалган бўлган. Собиқ ҳамкасблар онадан ёрдамни аяшмади. «Ўйин бандасини ишхона яқинидаги ўйинхонадан осон топишди. Аясининг излаётгани, уйига дарҳол етиб бориши зарурлиги ҳақидаги илтимосларга жуда бепарволик билан ўйинни охирига етказгач, боришлигини айтди. Бироқ бу гапидан бир неча дақиқа ўтиб, у юрак хуружидан вафот этади. Ташхисга кўра, юрак хуружи қаттиқ ва сурункали чарқоқ ҳолатининг ҳақдан ортқ қўзилиб кетганлиги боис юзгага келган.

2002 йилда америкалик Шон Вилли исмли 21 ёшли йигит ўзини ўзи пешонасидан отиб ўлдиради. Маълум бўлишича, у «Everquest» номли ўйинга муккасидан кетган ва ўша ўйинда ютказиб қўйиб, йиққан баллари ҳамда мукофотларидан ажралганига чидалмай жонига қасд қилган.

2004 йилда Буюк Британияда 17 ёшли Уоррен Леблан 14 ёшли Стефан Пакирни ўлдиради. Суд жараёнида айбланувчи «MapNipS» компьютер ўйини таъсирига тушиб қолганини тан олади ва шу ўйин туфайли ўсмирнинг қотилига айланганини айтади.

Бу маълумотларни бежиз келтирмадик. Уларнинг туб замирида ҳикмат бор. Мазкур воқеаларнинг бошқачароқ, яъни силлиқроқ вариантлари ўзимизда ҳам учраётгани бор гап. Интернет ёмонлик ва иллатлар ўчоғига айланмаслиги керак.

ЖССТ расман тан олган касаллик
Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) компьютер ўйинларига берилиши «расман касаллик» деб тан олди.

Ҳўш, нима учун бундай қарорга келинди?

Ташкилот тарқатган маърузада таъкидланадики, ўйин ишқибозлари ўйин частасини, сеанснинг бошланиши ва тугаши-ни, давомийлигини назорат қила олмай қолади. «Ўйинга берилиш» диаг-нози кишида бир йил мобайнида шундай ҳаёт тарзи кузатилса қўйилади ва бу кишига бошқа соҳалардаги фаолиятида ҳалақит беради. Дунё бўйича ушбу муаммага жиддий қаралмоқда. Масалан, Лондондаги касалхоналарнинг бирида яқинда тармоқлар касаллигига йўлиққанларга мулжалланган наркологию маркази очилди. У ерда компьютер ўйинларига берилган беморларни даволаш билан шугулланилади.

Шунингдек, мутахассислар тадқиқотлар натижасида компьютер ўйинларининг зарарларини қуйидагича аниқ келтиришади:

- а) кишининг вақтини ўғирлайди;
- б) унда жаҳлдорлик ва жиззакилик иллатларини шакллантиради;
- в) тасаввури, ҳаёлот оламининг қашшоқлашишига сабаб бўлади;
- г) шапқурликдан тортиб неврологик хасталиқларга барча касалликларни келтириб чиқаради.

Гулчеҳра Исақова, АДТИ неврология кафедраси ассистенти:

- Бундай муҳитда вақт қандай ўтгани сезилмайди, шунинг учун ўсмир болалар компьютер ўйинларига мутлоқ тобе бўлиб қолмоқда. Болалар ўйинга берилиб кетганидан ҳатто қорни очганини ҳам билмай, касаллик орттириб олиши кузатишмоқда. Ўйинларнинг салбий оқибатлари

фарзандларимизнинг руҳиятига ҳам таъсир қилмоқда. Компьютер нури нафақат болаларни, ҳатто катталарни ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқтиради. Афсуски, бола керакли физиологик қувватни техника ёнида соатлаб ўтириши натижасида йўқотади. Бола организми ўсишни истайди, лекин кучи етмайди. Шундан у сулғин, руҳан жиззакчи, одамови бўлиб қолади. Берилиб компьютер ўйнашнинг саломатликка жуда катта салбий оқибатлари бор. Қабулимга келаётганлар орасида айнан шу телефон ва интернет ўйинлари туфайли асаб касалликлари бошланган ва авж олаётган ўсмирлар ва болаларнинг ҳам борлиги кўнгилни ғаш қилади.

Биринчи навбатда кўриш қобилияти пасаяди. Ваҳоланки, ёш болалар экранга кунлик қарашининг меъёри 45 дақиқа этиб белгиланган. Компьютер ўйинида ғалабага интилаётган бола ўз мақсадига эришмагунча соатлаб ҳаракат қилади. Бу ундаги худбинликни (эгоизм) кучайтиради. Атрофдагиларга бемехр бўлади. У ўйинда душманни ўлдиради. Натижада ҳаётда одамларга бефарқ бўлиб қолади. Уларга махлуқ сифатида қарайди. Дарс, мутолаадан ташқари, ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш туйғулари сўниб боради. Бу эса асаб тоаларини емириб бораверади. Инжик, асабий, йиғлоқи бўлиб шакллана бошлайди.

Чегара билмас ахборот макони ривожланаётган бугунги кунда ёш авлодни компьютер технологияларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш миллий қадриятларимизга содиқ, қомил фарзандларни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Компьютер хизматлари кенг ривожланаётган бир пайтда ёшларнинг интернет-кафелар хизматидан тўғри фойдаланишини таъминлаш, беҳаё сайтлар ёки турли ўйинлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ота-оналар ва ўқитувчилар, қолаверса, бутун инсоният зиммасидаги масъулиятли вазифади.

Зилола РАҲМОНОВА.

Andijonnoma

МУАССИС:
Андижон
вилояти
ҳокимлиги

Бош мухаррир ўринбосари:
Гулжаҳон ЖАББОРОВА

Газета 2012 йил 21 майда Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 04-001 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи 64620. А2 қолипда. Ҳажми 4 босма тобқда. Газета «ZAKOVAT» нашриёт уйи масъулияти чекланган жамиятида босмаҳонаси (Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй)да офсет усулида, 800 ададда босилди.
Буюртма № . Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Босишга топширилди - 20.00

Бош мухаррир - 95-202-02-57
Эълонлар ва маркетинг бўлими - 90-572-30-38
Компьютер маркази - 97-982-37-77

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Кўлэмалар 14 харф катталигида 2 қоғоздан ортмаган ҳолда қабул қилинади

Материаллар мазмунини бойитиш мақсадида айрим материаллар учун архив суратларидан дизайн сифатида фойдаланилмоқда. Улар асл воқеликка мос келмаслиги мумкин.

Навбатчи мухаррир:
З.Раҳмонова.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи - А.Исмонов

*Эълон, билдирув ёки реклама ахборотининг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун буюртмачи шахс (реклама берувчи) масъул.

мақола ва материалларга қўйилган мазкур белги уларнинг тижорат ва реклама ҳуқуқлари асосида эълон қилинганлигини билдиради.

Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
А.Навоий
шоҳқўчаси, 87-уй
Andijonnoma@inbox.uz